NAMANGAN VILOYATI MINGBULOQ TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I

Jomasho`y shaharcha, Bo`ston ko`chasi, 30 uy

2022 - yil 30 - dekabr 658-6-81-Q/22 Mingbuloq tumani hokimligi

Мингбулоқ туманида ҳовли ва уй атрофи ҳудудларини сақлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни 6, 25-моддалари, “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни 23-моддаси, Ер кодекси 63-моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Мингбулоқ туман уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлимининг 2022 йил 5 декабрдаги 50-сонли хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Мингбулоқ туманида ҳовли ва уй атрофи ҳудудларини сақлаш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Мингбулоқ туман уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими (А.Турдиқулов), туман ободонлаштириш бошқармаси (Ф.Мирзаҳмедов), фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари мазкур қарор билан тасдиқланган нормаларга риоя этилишини назорат қилиб борсин.

4. Ушбу қарор “Мингбулоқ” газетасининг навбатдаги сонида расман эълон қилинсин ҳамда бир иш куни ичида ҳокимликнинг расмий веб-сайтига (Mingbuloq.uz) жойлаштирилсин.

5. Мазкур қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

6. Мазкур қарордан норози шахслар юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари (Х.Бойларов) зиммасига юклансин.

Туман ҳокими **Н.Худойбердиев**

Mingbuloq tuman hokimining
2022 yil 30 dekabrdagi
658-6-81-Q/22-son qaroriga
1-ilova

Мингбулоқ туманида ҳовли ва уй атрофи ҳудудларини сақлаш

ҚОИДАЛАРИ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур қоидалар фуқароларнинг ҳовли ва уйи(кейинги ўринларда уй) атрофидаги ҳудудларни (ерларни) сақлаш тартибинибелгилайди.

2. Уй атрофидаги ҳудуд - шу уйга туташиб кетган умумий фойдаланиладиган ҳудуд (ер майдони).

3. Уй атрофидаги ҳудуд бирор бир шахснинг эгалигида, тасарруфида ёки фойдаланувида бўлмайди.

II. Уй атрофидаги ҳудудларни сақлаш тартиби

4. Уй атрофидаги ҳудудларда бўш майдонлар бўлса, ундан мазкур уй атрофида яшовчи фуқаролар қуйидаги мақсадлардабепул умумфойдаланишимумкин:

кир қуритиш учун хўжалик майдончаси;

кийимлар ва бошқа уй буюмларини тозалаш ҳамда хизмат кўрсатиш ташкилотининг эҳтиёжи учун майдонча;

футбол, баскетбол, волейбол, теннис ўйнаш ҳамда гимнастика билан шуғулланиш учун спорт майдончалари;

қум солинган қутилар билан таъминланган, арғимчоқлар, тебранадиган тахталар, айвончалар ва бошқа мосламалар ўрнатилган кичик ёшдаги болалар учун ўйин майдончалари;

қиш даврида спорт ва болалар майдончаларида зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланган сирпанадиган ва яхмалак отадиган тепаликлар;

ахлат ва озиқ-овқат чиқиндилари учун контейнер ва бочкалар ўрнатиладиган майдончалар.

5. Турар жойларни ижарага олувчилар, ижарага берувчилар ва турар жой эгалари ва улар билан бирга яшовчи шахслар кўчат қилинган дарахтлар, хўжалик, спорт, болалар майдончалари ва уларнинг жиҳозларини асрашлари, уй атрофидаги ҳудудларни сақлаш қоидаларига риоя қилишлари ва уларни ифлос қилишга йўл қўймасликлари керак.

6. Фуқаролар томонидан, шу жумладан уйда яшовчи шахслар томонидан уй атрофидаги ҳудудга турли ҳил чиқинди ва аҳлатларни ташламасликлари лозим.

7. Ахлат ва озиқ-овқат чиқиндилари уй атрофидаги белгиланган контейнер ёки аҳлат ва чиқинди ташлашга мосланган бошқа жойларга ташланиши лозим.

8. Итларни сайр қилдириш бунинг учун белгиланган махсус майдончаларда ўтказилиши лозим.

9. Хизмат кўрсатиш ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари турар жойда яшовчиларнинг уй атрофидаги ерларда кўкаламзор майдонларни кўпайтиришга оид ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашлари, бунда дарахтлар кўп бўлишига эътибор беришлари керак.

10. Уй атрофи ҳудудларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, шу жумладан ўзбошимчалик билан бино-иншоот қуриш ёки енгил типдаги конструкциялар ўрнатиш таъқиқланади.

11. Уй атрофи ҳудудларидаги қатъи ҳисоби юритиладиган дарахтларни ўзбошимчалик билан, шу жумладан экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўлимининг рухсатномаси ва туман (шаҳар) ҳокимининг қарорисиз кесиш мумкин эмас.

12. Уй атрофи ҳудудлари доимий равишда обод ҳолда турмоғи лозим.

13. Уй атрофи ҳудудларини ободонлаштириш (сув сепиш, супуриш, ёввойи ўтлардан тозалаш) ушбу ҳудуд атрофида яшовчи уй эгалари (мулкдорлар, фойдаланувчилар, ижарачилар) ва улар билан биргаликда яшовчи шахслар томонидан ёки хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

14. Давлат уй-жой фонди мулкдори ёки унинг ваколатли органи ўз ҳудудидаги фуқаролар томонидан уй атрофидаги ҳудудлардан фойдаланиш қоидаларига риоя этилишини назорат қилади.

15. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз ҳудудидаги уйлар атрофидаги ҳудудларни сақлаш қоидаларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади.

16. Кўп квартирали уй жойлашган ва унга туташ ер участкаси, агар кўп квартирали уйдаги жойларнинг мулкдорларига бошқа ҳуқуқ билан тегишли бўлмаса, уларга умумий фойдаланиш Наманган вилояти ҳокимининг қарори асосида доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилади.

III. Якунловчи қоидалар

17. Уй атрофи ҳудудларини сақлаш билан боғлиқ низоли ҳолатлар суд тартибида ҳал этилади.

18. Ушбу қоидаларга риоя этилишини назорат қилиш туман уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими, ободонлаштириш бошқармаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, давлат уй-жой фонди мулкдори ёки унинг ваколатли органи томонидан амалга оширилади.

19. Ушбу қоидаларни бузган айбдор шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.